

**ХИДОЯТУЛЛАЕВ АЛИШЕР ТОИРОВИЧ**

**АККРЕДИТИВНИ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.  
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

**юримик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации**

**Content of the abstract of doctoral dissertation**

**Хидоятуллаев Алишер Тоирович**

Аккредитивни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш..... 3

**Хидоятуллаев Алишер Тоирович**

Гражданско-правовое регулирование аккредитива..... 25

**Khidoyatullaev Alisher Toirovich**

Civil and Legal Regulation of the Letter of Credit..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 51

**ХИДОЯТУЛЛАЕВ АЛИШЕР ТОИРОВИЧ**

**АККРЕДИТИВНИ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.  
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

**юримик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2017.2.PhD/Yu45 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tsul.uz](http://www.tsul.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Гулямов Саид Саидахарович**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Насриев Илҳом Исмоилович**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Караходжаева Дилором Мамировна**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи  
ишлар вазирлиги Жаҳон иқтисодиёти  
ва дипломатия университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 10 июлдаги соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36 факс: (99871) 233-37-48, e-mail: [info@tsul.uz](mailto:info@tsul.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (966-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Амир Темур кўчаси, 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2021 йил 23 июнь куни тарқатилди.  
(2021 йил 23 июнь 4-рақамли реестр баённомаси).

**И.Р.Рустамбеков**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, юридик фанлар  
доктори, профессор

**Д.Ю.Хабибуллаев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, юридик  
фанлар номзоди, профессор

**Н.Ф.Имомов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар  
раиси ўринбосари, юридик фанлар  
доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда савдо муносабатларида ҳамда давлатлараро ўзаро экспорт ва импорт операцияларининг самарали амалга оширилишида, шунингдек, мамлакатдаги инвестициявий муҳит жозибадорлигини янада оширишда мавжуд тўлов тизимларининг халқаро стандартларга қанчалик даражада мувофиқлиги муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда халқаро ташқи савдо муносабатларида аккредитив ҳисоб-китоб шаклидан кенг доирада фойдаланиб келинмоқда. Хусусан, жаҳон миқёсида “2019 йилда халқаро савдода аккредитив ҳисоб-китоблар ҳажми 4,3 млрд АҚШ долларини ташкил этиб, нуфузли халқаро рейтинглардан бири Global Opportunity Analysis and Industry Forecast (Глобал имкониятлар, саноат таҳлили ва прогнозлари) маълумотига кўра, 2021–2027 йилларда бу кўрсаткич савдо ва технологиялар ривожини билан ўсиб бориши ва яқин 5 йилликда 5 млрд АҚШ долларигача ўсиши кутилмоқда.”<sup>1</sup>

Дунё бўйлаб COVID-19 инфекцияси билан боғлиқ пандемия даврида сотиб олувчиларнинг тўловга қобилиятсизлик хавфи халқаро савдо алоқаларида нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакли сифатида аккредитивдан фойдаланишга бўлган талабнинг янада ортишига сабаб бўлди. Бугунга келиб, дунёда смарт-шартномалар ҳамда блокчейн технологияларининг савдо муносабатларида кенг қўлланилиши ҳамда 2017 йилда Халқаро савдо палатаси электрон UCP – e-UCP номи билан аккредитивда қўғозсиз ҳужжатлардан фойдаланишга имкон берадиган бир қатор янги таҳрирдаги қоидалар<sup>2</sup>нинг қабул қилиниши аккредитивга оид муносабатларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишда янги илмий муаммоларнинг вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида аккредитивнинг ҳуқуқий табиати, аккредитив билан боғлиқ замонавий тенденциялар, аккредитив ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган фуқаролик жавобгарлигининг мазмуни ва хусусиятлари, у билан боғлиқ фидуциар мажбуриятлар моҳиятини янада кенгроқ таҳлил этишни тақозо этмоқда.

Янги Ўзбекистон шароитида “мамлакатда пул-кредит, валюта, солиқ ва ташқи савдо сиёсати соҳаларида тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун қулай шароитлар яратиш ва инвестиция муҳитини яхшилашга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширишда халқаро молия институтларининг техник ёрдамини жалб қилган ҳолда, нақдсиз ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришнинг узок муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш”<sup>3</sup> лозимлиги ва ҳозирда республикада аккредитивдан асосий тўлов восита сифатида фойдаланиб келинаётганлиги сабабли ҳам аккредитивни фуқаролик ҳуқуқий тартибга солишга оид механизмларни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Қолаверса, миллий қонунчилигимизни “UNCITRAL (The United Nations Commission on

<sup>1</sup> [https://reports.valuates.com/request/sample/ALLI-Manu-1V31/Letter\\_of\\_Credit\\_Confirmation\\_Market](https://reports.valuates.com/request/sample/ALLI-Manu-1V31/Letter_of_Credit_Confirmation_Market)

<sup>2</sup> Халқаро Савдо палатасининг аккредитивда қўғозсиз ҳужжатлардан фойдаланиш қоидалари (2017 йилги версия) // <https://cdn.iccwbo.org/content/uploads/sites/3/2019/06/icc-uniform-customs-practice-credits-v2-0.pdf>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Яширин иктисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.10.2020 й., 06/20/6098/1432-сон.

International Trade Law) ташаббуси асосида 1995 йил 1 декабрдаги 50/48-сон резолюцияси билан қабул қилинган “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мустақил кафолатлар ва захира аккредитивлари тўғрисида”ги Конвенция ҳамда Халқаро савдо палатаси томонидан ишлаб чиқилган ва 2006 йил 25 октябрда тасдиқланган “Uniform Customs and Practice for Documentary Credits” (“Хужжатли аккредитивлар учун унификациялашган қоидалар ва одатлар” – кейинги ўринларда UCP 600) қоидалари”га мослаштириш, аккредитивга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда оммавий ва фуқаролик ҳуқуқий нормаларни аниқ чегаралаш, қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ мавжуд муаммоларнинг илмий ечимини топиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1997), “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги (2015), “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги (2015) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сон, 2020 йил 3 мартдаги “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ–5953-сон фармонлари, 2019 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ф–5464-сон фармойиши ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган устувор вазифаларнинг амалга оширилишида диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Диссертация мавзуси шу кунга қадар Ўзбекистон Республикасида мустақил тадқиқот объекти сифатида махсус монографик тадқиқ қилинмаган. Миллий ҳуқуқ тизимида ҳисоб-китобларнинг умумий жиҳатлари Ҳ.Р.Раҳмонқулов, С.С.Гулямов, О.Оқюлов, Д.М.Қараходжаева, Н.Ф.Имомов, М.Х.Баратов ва бошқаларнинг асарларида муайян даражада ўрганилган<sup>1</sup>. Хусусан, Л.А.Раҳматуллаев халқаро факторингни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари, Т.Т.Мадумаров микрокредит ташкилотлари фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари, Д.Ж.Суюнова кредит муносабатларининг ҳуқуқий тартибга солиниши, С.Ю.Эшонқулов қарз шартномасининг фуқаролик-ҳуқуқий мажбурият тизимида тутган ўрни, Қ.Ш.Абдулҳасанова қишлоқ хўжалигида

---

<sup>1</sup> Мазкур олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

шартномавий мажбуриятлар ижросини таъминлаш масалалари, Ф.Ю.Шодмонов шартнома мажбуриятларини бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг аҳамияти ва асосий хусусиятлари ҳамда турлари, Д.Б.Раҳимов мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш усулларини ўрганган.

МДХга аъзо давлатларда аккредитивга оид муаммолар Д.В. Полин, Л.А. Новоселева, Л.Каролин, И.Б. Иловайский, Н.В. Ростовцева, Н.М. Лучкина, А.Б. Княжевская, К.В. Карашев, О.С. Волотовская, Д.Ж. Алибуттаеваларнинг илмий ишларида ёритилган.

Хорижий мамлакатларда McCurdy W., Adam M, Garcia R, Dolan J, Hamed Alavi, Jim L., Bollen R, Frank Roland Hans Mueller, Leon C., Sappideen R., Hooley R., Aicher RD, McCormack G, Demir-Araz Y., Yafrich M., Stewart H., Bailey J.K. Xu, Mueller F., Pietrzak L., Walden J., Shepard J., D Waters, Laye Каролин, Paolo S. Grassi, Perm G.A., Shea A.M., Arora A. ва бошқа олимлар бу борада илмий тадқиқот олиб боришган.

Гарчи тадқиқот мавзуси доирасида муайян илмий ишланмалар мавжуд бўлса-да, республикаимизнинг ҳозирги тараққиёти шароитида аккредитивнинг ҳуқуқий моҳияти, ҳуқуқни қўллаш амалиёти юзасидан аккредитивга оид ҳуқуқий муносабатлар илмий назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ қилинмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш муаммолари» (2017–2021) устувор йўналиши бу Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишидан келиб чиқиб, тадқиқот шу йўналишга мувофиқлаштирилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** аккредитивни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

халқаро савдода нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакли сифатида аккредитивнинг вужудга келиш ва ривожланиш тарихини ўрганиш;

аккредитив ҳисоб-китоблар моҳияти, ҳуқуқий табиатини аниқлаш ва унинг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солинишини тадқиқ этиш;

аккредитивнинг асосий принциплари: мустақиллик ва қатъий риоя доктриналари ҳамда истисноларни ўрганиш;

аккредитив мажбуриятларининг мазмуни ва хусусиятларини очиб бериш;

аккредитив очиш ва бажариш билан боғлиқ мажбуриятларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни таҳлил этиш;

аккредитив бўйича фидуциар мажбуриятлар моҳиятини очиб бериш;

аккредитив бўйича мажбуриятларни бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик муаммоларини ўрганиш;

нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакли сифатида аккредитивни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистон шароитида аккредитивга оид фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** аккредитивни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти, юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялардан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари** тадқиқот олиб боришда умумлаштириш, илмий билишнинг тарихийлик, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, мантикийлик, киёсий-ҳуқуқий, статистик усулларидан иборат.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагиларни ташкил қилади:

мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш мақсадида чет эл банклари иштирокидаги аккредитив бўйича халқаро ҳисоб-китоб операциялари Халқаро савдо палатасининг стандартлари асосида амалга оширилиши зарурати асослаб берилган;

аккредитив тўловчи томонидан тўланган ёки тўланиши лозим бўлган маблағ шартнома шартлари бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилинган тақдирда, маблағлар олувчининг ҳисобига ўтказилишига доир банкнинг шартли мажбурияти эканлиги асосланган;

фуқаролик ҳуқуқи субъектлари ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни оптималлаштириш мақсадида аккредитивга ариза фармойиш, топшириқнома ёки талабнома шаклида қоғоз ёки электрон тарзда тақдим этилиши мумкинлиги асослантирилган;

аккредитив бўйича ҳисоб-китоблар тўлов пул маблағларини ўтказиш орқали амалга оширилган тақдирда, пул маблағларини тегишли йўллар билан ўтказиш орқали тўловнинг яқунланишини қонунчиликда белгилаш таклиф этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

миллий қонунчиликдаги аккредитив бўйича ҳисоб-китоблар таърифини аккредитивнинг фундаментал принципларини сингдириш, унинг ҳуқуқий моҳиятини очиб бериш ҳамда халқаро аккредитив ҳисоб-китоблари қоидаларига (UCP 600 талабларига) мувофиқлаштириш зарурати асослаб берилган;

шартнома эркинлиги ва аккредитив битимларнинг халқаро савдо қоидалари билан уйғунлигини ҳисобга олган ҳолда, Фуқаролик кодексида белгиланган презумпцияни чиқариб ташлаш зарурлиги, бунда агар аккредитивнинг матнида бошқа ҳолат назарда тутилган бўлмаса, у чақириб олинadиган аккредитив бўлиши лозимлиги асосланган;

аккредитив шартлари бузилганлиги учун банк жавобгарлигини аниқлаштириш ва аккредитив бўйича мажбурият олган банк-эмитент ва ижрочи банкнинг солидар жавобгар бўлиши ҳақида қоида белгилаш, ижрочи банкнинг банк-эмитент олдида жавобгар бўлиши, банк-эмитентнинг



маблағларни тўловчи олдада жавобгар бўлиши белгиланиши асослаб берилган;

УСР 600 бўйича банкларнинг жавобгарлиги чекланиши қондаси мавжудлиги, унда белгиланган тартибга мувофиқ, банклар ҳар қандай ҳужжатнинг шакли, асосланганлиги, аниқлиги, ҳақиқийлиги, қалбакилаштирилиши ёки ҳуқуқий кучга эгалиги учун жавобгар бўлмаслиги фуқаролик қонунчилиги мазмунига киритилиши зарурати асосланган;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкӣ жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 163-сонли қарорига аккредитив бўйича халқаро ҳисоб-китобларда чет эл банклари иштирок этганда, ушбу операциялар Халқаро савдо палатасининг энг янги стандартлари асосида амалга оширилиши бўйича таклифларни киритиш зарурати асослаб берилган;

Фуқаролик кодексига аккредитив атамасини киритиш ва аккредитив турларини белгилашга доир таклифлар ишлаб чиқилган ва илмий-назарий жиҳатдан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот миллий қонунчилик нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси таҳлили, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, социологик тадқиқотлар, ахборот базасида эълон қилинган статистик маълумотларга асосланган, унда чиқарилган хулосалар, таклиф ва тавсиялар тегишли давлат органлари томонидан тасдиқланган ҳамда амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унда ишлаб чиқилган таклифлар ва илмий хулосалардан аккредитивни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш механизмларининг назарий асосларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мавзунини тадқиқ этиш натижасида шакллантирилган илмий қонда хулоса ва таклифлардан нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакли сифатида аккредитивга оид фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги қонунини такомиллаштириш ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда фойдаланилган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистон Республикасида аккредитивни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

чет эл банклари иштирокидаги аккредитив бўйича халқаро ҳисоб-китоб операциялари Халқаро савдо палатасининг стандартлари асосида амалга оширилиши ҳақидаги таклиф “Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида”ги низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 13 апрелда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 3229)нинг 79-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2021 йил 1 февралдаги 38-17/138-сон далолатномаси).

Ушбу таклифнинг жорий этилиши аккредитив ҳисоб-китобларда халқаро стандартлар қўлланилиши шартлари аниқлаштирилишига хизмат қилган;

аккредитив тўловчи томонидан тўланган ёки тўланиши лозим бўлган маблағ шартнома шартлари бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилинган тақдирда, маблағларни олувчининг ҳисобига ўтказилишига доир банкнинг шартли мажбурияти эканлиги ҳақидаги таклиф “Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида”ги низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 13 апрелда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 3229)нинг 1-банди қоидаларини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2021 йил 1 февралдаги 38-17/138-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши ҳуқуқни қўллаш амалиёти учун аккредитивнинг аниқ ва тушунарли таърифи ишлаб чиқирилишига имкон берган;

аккредитивга ариза фармойиш топшириқнома ёки талабнома шаклида қоғоз ёки электрон тарзда тақдим этилиши ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 1 ноябрдаги “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги ЎРҚ–578-сон қонунининг 45-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг 2021 йил 15 февралдаги 04/1-173-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг жорий қилиниши нақд пулсиз ҳисоб шакли ҳисобланган аккредитив бўйича фармойишни тақдим этиш шакли ва тартибини такомиллаштириш, аккредитив мажбуриятларини бажариш механизми аниқ ва самарали фаолият кўрсатишига хизмат қилган;

аккредитив бўйича тўлов пул маблағларини ўтказиш орқали амалга оширилса, тўловни яқунлаш пул маблағларини тегишли йўллар билан ўтказиш яқунланган пайтда юз бериши ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 1 ноябрдаги “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги ЎРҚ–578-сон қонунининг 50-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг 2021 йил 15 февралдаги 04/1-173-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг жорий қилиниши аккредитив мажбуриятини бажариш вақти аниқ белгиланишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция ва семинарларда синовдан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, жумладан, 15 та илмий мақола (1 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация тузилиши кириш, 10 та параграфни қамраб олган 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 159 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш (диссертация аннотацияси)** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг **“Аккредитив ҳисоб-китобларнинг ҳуқуқий тавсифи”** деб номланган биринчи бобида халқаро савдода нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакли сифатида аккредитивнинг вужудга келиши, ривожланиш тарихи ва замонавий тенденциялар, аккредитив ҳисоб-китоблар моҳияти, ҳуқуқий табиати, халқаро хусусий ва фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиниши ҳамда аккредитивнинг асосий принциплари: мустақиллик ва қатъий риоя доктриналари ҳамда истиснолар таҳлил қилинган.

Бугунги кундаги глобализация ва ривожланаётган давлатлар билан савдонинг ўсиши фойдали молиявий инструментларни талаб қилади. 2019 йилда товарларнинг халқаро савдоси 19.415 трлн АҚШ долларига етди<sup>1</sup>. Тўловнинг турли усуллари мавжуд бўлса-да, экспорт қилувчи ёки импорт қилувчининг тўловга қобилиятлилиги, ишончлилиги ва энг асосийси, тўлов қафолати муҳим ҳисобланади. Тарихий ривожланиш айнан ҳужжатли аккредитивнинг “халқаро савдо томиридаги қон” бўлиб шаклланиши ва халқаро савдода энг кўп қўлланиладиган товарлар тўлови усулига айланишига олиб келди.

Диссертацияда аккредитив қўлланиладиган мезонга кўра, турли йўллар билан тоифаланиши ва турларга ажратилиши бўйича хулосага келинган. Аккредитивни “тижорат” аккредитиви, тўлов механизми, “захира” аккредитиви, тўловни кечиктириш, аккредитивни акцептлаш, аккредитивнинг махсус шакллари – “Red Clause”, “Green Clause”, “ўтказилувчи аккредитивлар (transferable)”, “орқага қайтувчи” (Back-to-Back)” каби турларга ажратиш мумкин.

Бугунги кунда жаҳонда турли тўлов ҳужжатларидан фойдаланилмоқда. Бунда ҳар бир тўлов ҳужжати мақсад, вазифа, принципларига кўра фарқланади ва зарурат ҳамда манфаат таъминланиши нуқтаи назаридан қўлланилади. Амалга оширилган таҳлиллар натижасида ҳисоб-китобларни амалга оширишда қонунчиликда турли тўлов ҳужжатлари (шу жумладан, аккредитив)дан фойдаланиш эркинлиги назарда тутилиши, ҳуқуқ эгаси томонидан бериладиган фармойиш (аккредитивга ариза) ахборот-коммуникация технологиялари фаол қўлланилиши сабабли қоғоз ёки

<sup>1</sup> [https://www.wto.org/english/res\\_e/statis\\_e/reports\\_newsletters\\_e.htm](https://www.wto.org/english/res_e/statis_e/reports_newsletters_e.htm) (20.11.2020 й. кўрилган)

электрон тарзда тақдим этилиши мумкинлиги мустаҳкамланиши мақсадга мувофиқлиги ҳақида хулосага келинди.

Муаллиф гарчи аккредитив муайян ҳолатларда банк-эмитент томонидан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин бўлса-да, чақириб олинадиган ва чақириб олинмайдиган аккредитивнинг ҳуқуқий табиатини фарқлайди. Аккредитив берганидан сўнг банк-эмитент асосий шартнома шартларини бажарилмаслигини тушуниб қолиши мумкин. Шу боисдан аккредитив эмиссия пайти чақириб олинмайдиган бўлиши, эмиссия қилинган эса фақат бенифициар, аризачи ва банк-эмитентнинг розилиги билан ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкинлиги келиб чиқади.

Аккредитив тарафлар манфаатларини мувозанатловчи механизм сифатида алоҳида ўрин эгаллайди. Аккредитив бенефициарга тўловга лаёқатли бўлган муҳим субъект – банк (эмитент)нинг кредитга лаёқатлилигига таяниш имконини беради. Бу тўловни амалга ошириш кафолатини ҳам таъминлайди.

Муаллиф аккредитив камида учта мустақил битимга асосланади, деган хулосага келган: 1) асосий шартнома; 2) сотиб олувчи ва банк-эмитент ўртасидаги шартнома; 3) банк-эмитентнинг бенифициарга тўловларни амалга ошириш мажбуриятини оладиган шартнома.

Муаллиф миллий ҳуқуқий доктринада аккредитив бўйича ҳисоб-китобларга банк ўтказмасининг бир тури сифатида қаралишини танқид қилади. Бунда банкка тўловни сўзсиз амалга ошириш мажбуриятига эмас, балки муайян шартларга риоя қилган тақдирда тўловни амалга оширишга муҳимлигидан келиб чиқиш лозим деб ҳисоблайди.

Тадқиқот натижасида аккредитивнинг мураккаб ҳисоб-китоб муносабати сифатида бир неча битимларни ўз ичига олиши ва ҳар бир битимнинг ҳуқуқий табиати фарқланиши аниқланди: а) тўловчи ва банк-эмитент ҳамда банк-эмитент ва ижрочи банк ўртасидаги битимлар воситачилик шартномасининг бир тури сифатида; б) банк-эмитент ва ижрочи банк ҳамда банк-эмитент ва авизоловчи банк ўртасидаги битимлар топшириқ шартномаси сифатида; в) банк-эмитент ва бенефициар ўртасидаги битим тўлов ёки аккредитивда назарда тутилган шартларга мувофиқ бошқа ҳаракатларни амалга ошириш тўғрисидаги алоҳида битим, ўзига хос ҳуқуқий конструкция – *sui generis* сифатида кўрилади.

Муаллифнинг таъкидлашича, аккредитивнинг ҳуқуқий тушунчасини ишлаб чиқишга бағишланган бир нечта тадқиқотларда аккредитивнинг алоҳида тури таҳлили натижалари, яъни унинг ишлаб чиқилган маълум турга оид белгилари кейинчалик умумий ҳодиса белгилари сифатида тақдим қилинадиган бир тарафлама илмий ёндашув устунлик қилади. Бу нафақат методология нуқтаи назаридан нотўғри, балки ҳодисанинг умумий белгиларини акс эттирувчи тушунчани ишлаб чиқиш умуман имконсиз деган иллюзияни келтириб чиқаради. Бундан ташқари, аккредитивни ўрганишга бўлган бундай илмий ёндашув аккредитив тушунчасини аниқлашда бир қатор зиддиятларни юзага келтиради.

Халқаро банк одатларига қарама-қарши қабул қилинган амалиёт аккредитивни тушунишда чақириб олиш презумпциясидан келиб чиқади

(ФК 798-моддаси учинчи қисми). Тадқиқот натижасида ушбу презумпция UNCITRAL (The United Nations Commission on International Trade Law) ташаббуси асосида 1995 йил 1 декабрдаги 50/48-сон резолюцияси билан қабул қилинган “Бирлашган миллатлар ташкилотининг мустақил кафолатлар ва захира аккредитивлари тўғрисида”ги Конвенциясида аккредитив мажбуриятларининг чақириб олинмаслиги қондасига зидлиги аниқланди. Шу боисдан муаллиф аккредитив мажбуриятларда шаклланган илмий доктрина ва халқаро қоидалар устуворлигини тан олган ҳолда, Фуқаролик кодексининг 798-моддаси учинчи қисмидаги аккредитивнинг чақириб олиниш презумпциясидан воз кечиш, аксинча, умум тан олинган юқоридаги халқаро Конвенция талабларига мослаштириш мақсадга мувофиқлигини асослаб беради.

Европада амалга оширилган тадқиқотлар (Dolan JF)да аккредитив келтириб чиқарувчи мажбуриятлар ҳозирда мавжуд мажбурият турига боғланмайди ва кўп ҳолларда мажбурият ҳуқуқининг айрим принциплари билан зиддиятга киришади деб кўрсатилади. Муаллифнинг фикрича, доим консерватив деб тан олинувчи умумий ҳуқуқнинг эгилувчанлиги унга савдо айланмаси ҳақиқатига мослашиш ҳамда аккредитив тушунчаси ва у билан боғлиқ мажбуриятларни таърифлашда унинг минг йиллик ҳуқуқий доктринаси томонидан ишлаб чиқилган асосий ҳуқуқий догмалардан воз кечишга имкон берган.

Муаллиф аккредитив банкнинг мижози (аккредитив берувчи) томонидан ёзма шаклда амалга оширилган бир томонлама битим ва ундан ҳосил бўлувчи битимлардан келиб чиқувчи ҳисоб-китобларда иштирок этувчи шахслар: банк-эмитент ва ижрочи банкнинг мураккаб ҳисоб-китоб мажбурияти сифатида таърифланиши мумкинлигини асослайди. Бу мажбурият мазкур иштирокчилар ва аккредитив бўйича воситалар олувчи (бенефициар)ни қабул қилувчига тегишли пул суммасини тўлаб бериш ёки векселни акцептлаш юзасидан ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлаб туради.

Амалга оширилган таҳлиллар натижасида муаллиф аккредитивнинг қулай ҳисоб-китоб механизми сифатида шаклланиши унинг моҳиятини ифодаловчи ўта муҳим икки принципга асосланишини аниқлади: мустақиллик принципи (*the principle of autonomy or independence*); қатъий мувофиқлик (риоя) принципи (*the principle of strict compliance*). Аккредитив ҳисоб-китоб айнан шу принциплар устига қурилган бўлиб, уларнинг бузилиши билан аккредитив ўз маъносини йўқотади.

Аккредитивни қўллашга доир тадқиқотларни ўрганишда ислом ҳуқуқида аккредитив билан боғлиқ битимлар алоҳида тадқиқ этилди. Тадқиқот натижасида аккредитив қуйидаги битимлар доирасида амалга оширилиши таъкидланди: 1. Вакала (*Al-Wakalah*); 2. Муробаха (*Al-Murabahah*); 3. Мушорака (*Al-Musharakah*); 4. Даман (*Al-Daman*); 5. Музораба (*Al-Mudarabah*).

**“Аккредитив мажбуриятларининг мазмуни ва хусусиятлари”** деб номланган иккинчи бобда аккредитив мажбуриятларининг мазмуни ва хусусиятлари, аккредитив ҳисоб-китоблар бўйича томонларнинг

мажбуриятларини ҳукуқий тартибга солиш ҳамда аккредитив бўйича фидуциар мажбуриятлар моҳияти таҳлил қилинган.

Аккредитив бўйича ҳисоб-китоблар тизимида иштирок этувчи субъектлар доираси борасида турлича ёндашувлар мавжуд. Халқаро ҳукуқий ҳужжатлар ва миллий доктрина бу борада фарқланади. Муаллиф аккредитивда иштирок этувчи субъектларни икки гуруҳга, яъни мажбурий ва факультатив субъектлар гуруҳига ажратишни таклиф қилади. Мажбурий иштирокчилар бўлиб тўловчи (аккредитив очишга ариза берувчи) шахс; тўлов бўйича асосий мажбуриятларни оловчи банк, аккредитивни очувчи (чиқарувчи) банк-эмитент; аккредитив бўйича маблағларни оловчи – бенефициар ҳисобланади.

Аккредитивни амалга оширишда қўшимча опциялар ва тарафларнинг манфаатларидан келиб чиқиб, авизоловчи банк, тасдиқловчи банк, агарда аккредитив тратталарнинг эркин неготиациясини назарда тутадиган бўлса, хоҳлаган бошқа банк ҳам мажбурий иштирокчи бўлиши мумкин. Ижрочи банк, одатда, аккредитив бўйича алоҳида мажбурият олмайди, банк-эмитент мажбуриятларини у билан ўзаро алоҳида битимлар доирасида бажариб беради.

Муаллиф аккредитив ва унда иштирок этувчилар ўртасидаги ҳукуқий муносабатларни тадқиқ қилишнинг халқаро тажрибаси миллий ва Россия ҳукуқий тадқиқотларида қўлланилган методологик ёндашувлар мазкур институт мазмуни, тизимни шакллантирувчи ҳукуқий алоқалар, тарафлар жавобгарлиги асослари ва чораларини бутунлигича кўриш имконини бермаслигини таъкидлайди.

Аккредитивни тегишли ҳуқуқда аввалдан мавжуд ҳукуқий конструкцияларга мослаш, масалан, Россия ва МДХ ҳуқуқ-тартиботларида учинчи шахс фойдасига тузилган битим доирасида тушуниш одат тусига кирган. Бундай ҳолат икки ҳуқуқ тизими – умумий (*Common Law*) ва континентал Европа (*Civil Law*) ҳуқуқ тизими мамлакатларида ҳуқуқий воқеликка бўлган ёндашувдаги концептуал фарқлар ва тегишлича кўп асрлик юридик амалиёт томонидан ишлаб чиқилган ҳуқуқий тафаккур билан боғлиқ.

Муаллиф фикрича, миллий қонунчилик бўйича аккредитив иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаш мазкур соҳада вужудга келувчи иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим. Шу боисдан аккредитив субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, мураккаб ҳисоб-китоб мажбурияти сифатидаги аккредитив тушунчасининг ҳуқуқий таърифи тўғри ҳамда унинг ҳуқуқий ва иқтисодий табиатига мувофиқлиги асослаб берилади.

Аккредитив бўйича ҳисоб-китобларнинг мавжуд ҳуқуқий моделида ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган ижрочи банкнинг мажбурияти ҳуқуқий доктринада бир хил тушунилмади. Муаллифнинг фикрича: 1) банк-эмитент ва ижрочи банк ўртасидаги муносабат хусусияти банк-эмитентнинг ўз мажбуриятини бажаришни учинчи шахс – ижрочи банкка, ҳатто улар ўзаро корреспондентлик муносабатларига эга бўлган ҳолатда ҳам ўтказишига асос йўқ; 2) ижрочи банкнинг мажбуриятлари аккредитив – мураккаб ҳисоб-китоб

мажбурияти доирасида мавжуд бўлади ва унинг ажралмас қисми ҳисобланиб, уларнинг ҳуқуқий табиати бундай мажбуриятдан ажралган ҳолда кўрилиши мумкин эмас.

Муаллифнинг таъкидлашича, аккредитивнинг мустақил ҳуқуқий конструкцияга эга эканлиги ҳақидаги хулоса энг мақбул ҳисобланади. Миллий ҳуқуқда аккредитивнинг маълум бир ҳуқуқий конструкциясини куриш, умуман олганда, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар назариясини ишлаб чиқиш билан боғлиқ дастлабки маълумотлар ва тушунчаларни ишлаб чиқишни талаб қилади. Булар нақд пулсиз ҳисоб-китоблар, бу воситалар ёрдамида ҳисоб-китоб жараёнини намоён қилувчи битимлар, ҳисоб-китоб муносабатлари, банк ҳисоб рақами шартномаси ҳуқуқий конструкцияларидир.

*Аккредитив битимлари* – бу банк-эмитентнинг бир тарафлама хоҳишига кўра таклиф этган (очилган) аккредитив юзасидан банк-эмитентнинг бенефициар олдидаги мажбурияти пайдо бўлишида юридик факт бўлиб хизмат қилади.

*Аккредитивга оид мажбуриятлар* – бу тўловчи ва банк-эмитент ҳамда банк-эмитент ва ижрочи банк ўртасидаги, худди шундай муносабатлар банк-эмитент ва маблағларни олувчи (бенефициар) ўртасида вужудга келадиган муносабатлар.

Аккредитив ҳисоб-китобларида тараф сифатида бенефициар, тўловчи, банк-эмитент ҳамда авизоловчи банк ва/ёки ижрочи банк ва/ёки тасдиқловчи банк сифатида ҳаракат қилувчи бенефициарнинг банки мажбуриятлари ўзига хосликка эга. Аккредитивнинг миллий ҳуқуқ доктринамидаги ҳуқуқий модели бўйича, бенефициар банк-эмитентнинг мижози бўлмаган ҳолларда аккредитив бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг қонунчиликда ўрнатилган тўрт зарур шarti мавжуд: тўловчи, банк-эмитент, ижрочи банк ва бенефициар.

Аккредитив ҳисоб-китобларида тарафлар мажбуриятларининг бажарилган вақтини аниқлаш мажбуриятнинг лозим даражада бажарилган ёки бажарилмаганлигини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Гарчи бугунги кунда ахборот-коммуникация технологиялари фаол қўлланилаётганлиги ҳисоб-китоблар тезлигига таъсир кўрсатаётган бўлса-да, қонунда аккредитив бўйича тўловни яқунлаш бенефициарнинг ҳисобварағига пул маблағлари келиб тушган пайтда юз бериши аниқ ифодаланиши мақсадга мувофиқ.

Аккредитив муносабатларида банкларнинг фидуциар мажбуриятлари миллий цивилистикада тадқиқ этилмаган. Фидуциар мажбуриятлар бошқаларнинг манфаатлари учун ҳаракат қилиш мажбурияти ҳисобланади. Ишончли бошқарувчи (*trustee*) бенефициарнинг, агент принципалнинг, банк эса ўз мижозининг манфаатлари учун ҳаракат қилиши лозимлигидан келиб чиқади.

Банк ва мижоз ўртасидаги, шу жумладан, аккредитив билан боғлиқ муносабатлардаги банкнинг инглиз ҳуқуқида фидуциар деб номланадиган мажбуриятлари, миллий ҳуқуқ доктринасида инсофлилик (ҳалоллик) ва оқилоналик принциплари доирасида, яъни банкнинг инсоф билан ва оқилона ҳамда мижоз манфаати учун ҳаракат қилиш мажбуриятида ётади.

**“Аккредитив бўйича мажбуриятларни бузганлик учун фуқаролик-хуқуқий жавобгарлик муаммолари”** деб номланган учинчи бобда аккредитив бўйича мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик асослари ва шартлари, аккредитив бўйича мижозлар (маблағ олувчи, тўловчи)нинг фуқаролик-хуқуқий жавобгарлиги, аккредитив бўйича банкнинг фуқаролик-хуқуқий жавобгарлиги таҳлил қилинган.

Аккредитив бўйича фуқаролик хуқуқий жавобгарлик асослари ва шартлари белгиланишида тарафлар манфаатлари уйғунлигини таъминлаш муҳим. Фуқаролик кодекси меъёрларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, фуқаролик-хуқуқий жавобгарлик асослари алоҳида бобда (ФКнинг 24-боби) ёки маълум бир моддада мустаҳкамлаб қўйиш билан чекланмаган. Жавобгарликка доир нормалар маълум қисмларда тарқоқ ҳолда ифодаланган. Бу ҳолат амалиётда унинг қўлланишида бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин.

Муаллиф цивилист олимлар (Ш.Мустафоев, Ф.Шодмонов, И.Иловайский)нинг фикрларини таҳлил қилиш асосида фуқаролик хуқуқида хуқуққа хилофлик турли асосларда, яъни қонун ҳужжатлари, шартнома, иш муомаласи одатларига мос келмаслиги билан ажралиб туриши билан бир қаторда қўлланиладиган муносабатга нисбатан намоён бўлишига эътибор қаратиш муҳимлигини таъкидлайди.

Аккредитив бўйича мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик асослари айнан ФКнинг 333-моддаси таркиби бўйича таҳлил қилиниши ўзига хос хусусиятга эга. Бунда зарар зарурий шарт сифатида мавжуд бўлмайди, чунки зарар етказилиши факти мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарликнинг асосий таркиби ҳисобланмайди.

Шуниси муҳимки, хорижий мамлакатларда аккредитив бўйича жавобгарлик ўзига хос хусусиятларга эга. Француз хуқуқида фуқаролик-хуқуқий жавобгарлик деликт ҳамда шартнома хуқуқида фарқланади. Бунда *non-cumul des* ёки шартнома ва деликт жавобгарлиги бир вақтда қўлланилиши мумкин эмас ёхуд бир-бирини тўлдирмаслигини назарда тутувчи ҳаракатлар рақобатлашмаслиги принципи амал қилади. Шартномавий жавобгарлик шартнома мажбуриятини бажармаганлик учун қўлланилса, деликт жавобгарлик қонун, иш муомаласи одати ёки суд амалиётида белгиланган қонидани бузганлик учун қўлланилиши аниқланди. ФКнинг 325-моддасига кўра, агар мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун неустойка белгиланган бўлса, зарарнинг неустойка билан қопланмаган қисми тўланади. Демак, неустойкадан ташқари зарарнинг қопланишини ҳам талаб қилиш мумкин. Бунда етказилган зарар, одатда, шартномавий мажбуриятлар бажарилмаслиги билан боғлиқ.

Немис хуқуқида аккредитив тушунчаси белгиланмаган, шунингдек, бу борада банкларнинг жавобгарлиги ҳам алоҳида назарда тutilмаган. Шундай бўлса-да, бунда аксарият мамлакатларда бўлган ҳужжат – UCP 600 татбиқ этилади. Банклар жавобгарлигини белгилаши билан бирга жавобгарликни истисно этувчи ҳолатлар, масалан, форс-мажор ҳолатларида жавобгарликдан тўлиқ озод этилишини назарда тутуди (§ 676с BGB).

Муаллиф аккредитив шартлари бузилганлиги учун мижоз олдида фақат



банк эмитент белгиланишини нотўғри деб ҳисоблайди. Чунки банк-эмитент гарчи аккредитив очилишида бевосита иштирок этса ҳам, унинг ижро этилиши, ҳужжатларни текшириш, тўловни тасдиқлаш ва амалга оширишда бошқа банклар иштироки талаб қилинади. Натижада “солидар жавобгарлик” масаласи юзага келади.

ФКнинг 802-моддасида банк-эмитент ҳамда ижрочи банкнинг жавобгарлиги қандай ҳолларда юзага келиши масаласи ҳам очиқ қолган. Тўловчи аккредитивни очиш ва ижро қилиш ҳақида топшириқни банк-эмитентга беради. Банк-эмитентнинг аккредитивни тасдиқлаш ва ижро қилиш ҳақидаги топшириғи ижрочи банкка берилади. Бу ўринда бир банкнинг бошқа банкка нисбатан мажбуриятни бажариш ҳақидаги талаби айнан банклар ўртасида юзага келади. Мазкур модданинг биринчи қисмидаги қоида эса, бир томонлама, яъни мижоз олдида банк-эмитент, банк-эмитент олдида ижрочи банк схема белгиланган.

Муаллиф ФКнинг 802-моддасидаги ноаниқлик ва ғализликларни бартараф этиш мақсадида банк-эмитент ва ижрочи банкнинг маблағларни олувчи олдида солидар жавобгар бўлишига доир қоида, ижрочи банкнинг мижоз ва банк-эмитент олдида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгар бўлишига доир норма белгиланиши лозимлигини асослаб беради.

Тадқиқот ишида мижозларнинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги алоҳида таҳлил қилиниб, ФКнинг 796-моддасида унинг “маблағларни олувчи” ёки “у кўрсатган шахс”, “ҳужжатларни тақдим этган” ва “аккредитивда назарда тутилган бошқа шартларни бажарган” каби номлар билан кўрсатилиши, қонун чиқарувчининг аккредитив бўйича мажбурият тарафи сифатида банкка нисбатан қарши мажбурият эгаси сифатидаги субъектни аниқ кўрсатмаганлиги алоҳида қайд этилади.

Аккредитив бўйича банкка нисбатан шартнома мажбурияти субъекти сифатида айнан маблағларни олувчи (бенефициар) ва аккредитив бўйича тўловчи мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик ҳамда зарар етказилган ҳолларда деликт мажбурият сифатида кўриш лозимлиги ҳақида хулосага келинади.

Мижозларнинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигида тўловчининг мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлиги ҳамда бенефициарнинг мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлиги ўзига хос хусусиятга эгаллиги аниқланди.

ФКда бенефициарнинг мажбуриятларни бажармаганлиги учун жавобгарлигини белгиловчи алоҳида қоидалар назарда тутилмайди. Бу жавобгарлик мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарликни белгиловчи ФКнинг 24-бобида назарда тутилган қоидалар ҳамда аккредитив очиш бўйича шартномада назарда тутилган жавобгарликка асосланади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда бенефициар томонидан ижрочи банкка тақдим этилган бошқа ҳужжатларни баҳолашнинг батафсил қоидалари мавжуд эмас. Ижрочи банк ҳужжатни аккредитив шартларига мос келадими ёки йўқми, буни фақат ташқи кўринишидан аниқлашга мажбур. Аккредитив бўйича тақдим қилинадиган ҳужжатлар қайси орган томонидан берилиши ва

уларнинг мазмуни ҳамда расмийлаштирилиши қандай бўлиши кераклиги ҳақида аниқ кўрсатма бўлса, бу шартлар ижрочи банк томонидан текширилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунининг 32-моддасида аккредитивни тақдим этмаганлик учун сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлаш белгиланган. Ҳуқуқни қўллаш амалиётида эса ушбу санкция деярли қўлланилмайди, чунки айнан аккредитивда бундай ҳаракатсизлик деярли кузатилмайди. Шу боисдан муаллиф ушбу норма чиқариб ташланиши лозим деб ҳисоблайди.

Банклар аккредитив бўйича ҳисоб-китобларда профессионал ташкилот сифатида иштирок этганлиги сабабли ФКда унинг жавобгарлигига алоҳида эътибор қаратилган. ФКнинг 802-моддасига кўра, аккредитив шартлари бузилганлиги учун мижоз (тўловчи) олдида банк-эмитент, банк-эмитент олдида эса ижрочи банк жавобгар бўлиши назарда тутилган. Бу ўринда жавобгарлик муайян даражада тақсимланишига эътибор қаратилган, яъни қайси мажбурият ким томонидан бузилиши асосий ўрин тутати.

Муаллифнинг фикрича, UCP 600 талабларига мос равишда фуқаролик қонунчилиги доктринасида унинг ўзига хос хусусияти, аккредитив муносабатларида тарафларнинг жавобгарлиги асослари ва шартлари аниқланиши лозим. Ҳисоб-китоб муносабатларининг методологик жиҳатдан бирлиги аввалданок шарт ҳисобланади ва уни дифференциациялашга асос бўлади. Бу эса аккредитивнинг банк ҳисоб-китоб операцияси сифатида амалга оширилиш техникасини кўрсатиш билан чекланмасдан, балки аккредитивни амалга оширишга доир ҳуқуқий муносабатнинг ўзига хослиги, жавобгарлик хусусиятларини кўрсатиб бериши керак.

Тадқиқот ишида ФК ва UCP 600 белгилаган нормаларда банкларнинг жавобгарлиги чекланишига доир тафовутлар мавжудлиги аниқланди. Шу муносабат билан муаллиф ФКга 802<sup>1</sup>-модда сифатида банк жавобгарлигининг чекланишига доир норма киритилиши ва банклар ҳар қандай ҳужжатнинг шакли, асосланганлиги, аниқлиги, ҳақиқийлиги, қалбакилаштирилиши ёки ҳуқуқий кучга эгалиги учун жавобгар бўлмаслигига доир норма белгиланиши зарурлигини асослайди. Шунингдек, аккредитив бўйича банкнинг жавобгарлигига доир нормаларни белгилашда қайси банкнинг жавобгар бўлишига доир норма аниқ бўлиши, бунда бенефициар ҳуқуқлар устунлиги тан олинishi муҳим ҳисобланади.

UCP 600нинг юқоридаги нормалари шуни кўрсатадики, аксарият ҳолларда банкнинг жавобгарлиги чекланган ва асосий хавф-хатар фармойиш берувчи зиммасида қолиб кетишига эътибор қаратади. Тадқиқот натижасида банк жавобгарлигининг ўзига хос хусусиятлари аниқланди. Биринчидан, фармойиш берувчи банкнинг таваккал қилиши; иккинчидан, гарчи банкни банк-эмитент, авизоловчи банк ўзи танланган бўлса ҳам, унинг бошқа банкка берган кўрсатмалари бажарилмаган ҳолатлар учун улар жавобгар бўлмаслиги; учинчидан, кўрсатма билан боғлиқ ҳар қандай комиссия тўловлар, йиғимлар, харажатлар учун банк жавобгар бўлади; тўртинчидан, фармойиш берувчи банк қилган барча харажатларни тўлаши шарт.

Рақамли юқори технологиялар жорий этилиши аккредитив ҳисоб-китобларни ҳам қулайлаштирди, 14 кунлик вақт оладиган операция 23 секундда ҳал этиладиган бўлди. Аккредитив ҳисоб-китоблар амалга ошириладиган рақамли технологиялар платформаси тегишлича банк-эмитент, ижрочи банкларга тегишли бўлади. Қолаверса, асосий операциялар банк-эмитент кўра оладиган ва бир томонлама ўзгартира оладиган оммавий блокда (*public block*) содир бўлади.

Блокчейн технологияларидан фойдаланиш аккредитив ҳисоб-китоблар тезлиги ва сифатини оширишга хизмат қилмоқда. Бироқ тарафларнинг инсофли ва ҳалол ҳаракат қилишини тўлиқ таъминлаб бўлмайди. Муаллиф рақамли ва ақлли технологиялар орқали зарар етказиш бўйича жавобгарлик юқини тўғри тақсимлаш ва жавобгар шахслар доирасини тўғри аниқлаш муҳим деб ҳисоблайди. Бунда технологиялар эгаси (банк) ва унинг фаолиятини назорат қилувчи шахс (оператор)ларга технологияларнинг ўрнатилиши, тўғри ишлаши ва унда бўладиган хатоликлар учун жавобгарлик юкланиши керак.

